

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ****Шаропов Ойбек Олимович**

Кашкадарё вилояти Китоб тумани ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-марифий масалалар буйича ўринбосари.

Аннотация: Ушбу тезисда ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўллари, ва бу орқали аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш буйича мамлакатимиз иқтисодиёти ўрганилган, ишсизликни келтириб чиқарадиган омиллар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, инвестиция, имтиёз, ишлаб чиқариш, аҳоли, бандлик, ишсизлик, иш ўринлари, меҳнат мигрантлари, ўз- ўзини банд қилиш, таҳлил.

Ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришда ишлаб чиқариш тармоқлари муҳим ўрин эгаллайди. Республикаимизда кейинги йилларда амалга оширилган иқтисодий ислоҳатлар натижасида республика ялпи ички маҳсулотда ишлаб чиқариш тармоқларининг улуши йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Ишлаб чиқариш тармоқларнинг ривожланиши нафақат иқтисодий муаммоларни ечишда, балким ижтимоий муаммоларни, яъни, янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президентининг 7 февраль қобул қилинган фармонининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича ҳаракатлар стратегияси”даги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишари” номли учунчи бўлимида “худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўлламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;” каби бир қатор вазифалар кўйилди¹. Жорий йилда иқтисодиётнинг нодавлат сектори инвестицияларнинг ҳажми 2022 йилнинг мос даври кўрсаткичларига нисбатан 26 % ошди Ўзбекистон Республикаси буйича жами инвестициялардаги нодавлат секторининг улуши 88,7 %ни жашкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич Бухоро вилояти буйича 97.2% ни ташкил этапти.

Маълумки, ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, унинг ассортиментини кенгайтириш, айниқса экспортбоб маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхоналарга инвестицияларни жалб қилишни талаб

¹ 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича ҳаракатлар стратегияси

қилади. Вилоятимизда ҳам иқтисодий тармоқларига инвестиция киритишга катта эътибор берилмоқда.

Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот тишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Марказлашмаган инвестициялар таркибида корхоналарнинг улуши иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Ўтган йилларда инвестицияга йўналтирилган аҳоли маблағлари кўпайди. Ушбу маблағлар асосан кичик корхоналарни ташкил этишга йўналтирилди ва бу албатта ижобий ҳолдир. Маълумки, инвестицияларнинг самарадорлигига таъсир қилувчи асосий кўрсаткичларга уларнинг технологик тузилиши ва йўналтирилган соҳалардаги улуши киради. Таҳлил шуни кўрсатдики 2023 йилда вилоятга киритилган жами инвестицияларнинг ўн фоизидан ортиғи машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозларини сотиб олишга йўналтирилган бўлса, қолганлари қурилиш-монтаж ва бошқа харжатларга йўналтирилган ва бу вилоятга киритилган инвестицияларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин².

Биринчидан, киритилётган инвестицияларнинг технологик тузулишини оптималлаштириш зарур, яъни инвестицияларнинг замонавий техника ва технологияларни сотиб олишга йўналтирилган қисмининг улушини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича тижорат банклари томонидан кредит ажратишда, вилоят инвестиция дастурларини ишлаб чиқаришда ҳудуддаги мавжуд хом-ашё ва меҳнат ресурслари бўйича резерв ва имкониятларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу вақтда вилоятда кимё, терини қайта ишлаш, дори-дармон, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб ва бошқа бир қатор саноат тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш орқали экспортбоб ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари катта; Учинчидан, саноат корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини кўпайтириш учун инвестиция киритиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга солиқ имтиёзлари берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки кўпчилик инвестиция киритган корхоналарида уларни қоплашда муаммолар пайда бўлмоқда. Имтиёзлар берилса корхонанинг соф фойдаси кўпаяди ва инвестицияларнинг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб биз, Бухоро вилояти ишлаб чиқариш тармоқларига инвестицияларни жалб қилишни кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор таклифлар билдирдик.

Ушбу таклифлардан вилоят инвестицион дастурларни ишлаб чиқаришда фойдаланилса и ҳудудларга киритилётган инвестицияларнинг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади деган фикрдамиз.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони

Фойдаланган манбалар:

1. “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони;